

АХБОРОТ ХАТИ

Ўзбекистон Республикаси “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш” концепциясида белгиланган устувор илмий тараққиёт мақсадлари йўлида imfaktor.uz илмий нашрлар портали томонидан фаолияти йўлга қўйилган “Педагогик ва психологик тадқиқотлар / Психологических и педагогических исследований / Pedagogical and psychological studies” илмий-амалий журналининг 2023/_ -сонига мақолалар қабул қилинади.

Мазкур журналда чоп этиладиган ҳар бир мақолага **махсус DOI рақами** берилиб, imfaktor.uz илмий нашрлар порталида PDF форматда юкланади ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган халқаро илмий базаларда индексланади.

Журналга **қуйидаги фан тармоқлари** бўйича мақолалар юбориш мумкин:

13.00.00 – Педагогика фанлари;

19.00.00 – Психология фанлари.

МАҚОЛАЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

1. Мақола матни А4 ҳажмда, юқоридан ва пастдан 2 см, чапдан 3 см, ўнгдан 1,5 см жой қолдириб расмийлаштирилади.

Мақола MS WORD матн муҳарририда, Times New Roman шрифтида **12 ёзув ўлчами** катталигида, 1,15 интервалда ёзилади.

2. Мавзу номи бош ҳарфларда ва қорайтирилган ҳолда, мавзудан сўнг муаллиф(лар)нинг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони, иш (ўқиш) жойи тўлиқ (*қисқартмаларсиз*), электрон почтаси ва телефон рақами кўрсатилади.

Барча маълумотлар ўзбек, рус, инглиз тилларида бўлиши шарт.

3. Мақолада аннотация ўзбек, рус ва инглиз тилларида (**11** шрифт, 1 интервал оралиқда) ёзилади. Сўзлар сони 100-150 сўз оралиғида бўлиши мақсадга мувофиқ.

4. Калит сўз ва иборалар – (7-10 тадан кам бўлмаган) уч тилда – ўзбек, рус, инглиз тилларида берилади.

5. Мақоланинг ҳажми аннотация, калит сўзлар ва адабиётларни ҳисобга олмаганда камида (0,25 б.т.) 5-8 бетгача бўлиши мумкин.

6. Мақолада фойдаланилган иқтибос (сноска)лар [1], [1, 2,], [2, Б.170], [3, Б.132, 185, 193] ёки [1, Б.132; 3, Б.185] кўринишида ва мақола сўнггида фойдаланилган адабиётлар сифатида кўрсатилади.

Бунда, иқтибос (сноска)лар **ҳар бир саҳифанинг пастки қисмида** алоҳида **кўрсатилмайди**. Улар мақоланинг охириги саҳифасида алоҳида рақамлар билан иқтибослар тартиби бўйича ёзилади.

7. Мақолада расмий ҳужжатларга (норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар) ҳаволалар келтирилмайди, улар мақола матннинг ўзида, тўлиқ ҳолда: сана, тартиб рақам ва номи билан кўрсатилади.

8. Жадваллар: “Жадвал” сўзи билан ифодаланиб араб рақамлари билан қайд этилади. Жадвалнинг номланиши ва қайд рақами (нуқтасиз) берилади ва ўнг томонга тўғриланади, жадвалнинг номи кейинги қаторда ўртадан қорайтирилган шрифтда ёзилади.

Ҳар хил график ва жадваллар рангли ёхуд оқ-қора рангда бўлиши талаб қилинади.

9. Файл номида тегишли **фан тармоғининг бошланғич тартиб рақами** ва **муаллиф фамилияси** ёзилади. (Масалан: **07.Рамозонов А.Т.docx** (юз қисмида).

10. Ушбу талабларга жавоб бермаган материаллар журналда чоп этиш учун қабул қилинмайди.

МУАЛЛИФЛАРГА ЭСЛАТМА

1. Мақоланинг умумий таркибий тўзилиши кириш, асосий қисм ва хулосадан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ.

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, янгилиги, тадқиқот мақсади ва вазифалари келтирилади.

Асосий қисмда илмий муаммонинг тадқиқот методлари, эришилган натижалар баён қилинади.

Хулоса қисмида эса натижалар умумлаштирилади, якуний хулосалар, тавсия ва таклифлар, кейинги тадқиқ этиладиган йўналишлар келтирилади.

2. Таҳририятга тақдим этилаётган мақола бошқа нашрларда чоп этилмаган бўлиши, шунингдек, оригиналлик даражаси (антиплагиат дастури орқали текширилади) 75 % дан кам бўлмаслиги лозим.

3. Мақолада расм битта бўлса, рақамланмайди (расм, номи), бир нечта бўлса, рақамланади.

4. Мақоладаги жадвал (схема)нинг номи марказ бўйлаб тенглаштирилади. Бунда “Жадвал” сўзи саҳифанинг ўнг чекка томонига жойлаштирилади. Жадвал битта бўлса рақамланмайди, бир нечта бўлса рақамланади.

5. Илмий нашрнинг жорий сониде муаллифнинг фақат 1 та мақоласи чоп этилади. Битта мақолада муаллифлар сони уч кишидан кўп бўлмаслиги керак.

6. Таҳририят мақолаларни қисқартириш, тўғрилаш ва таҳрир қилиш ҳуқуқига эга.

Белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган, мавзуси ва йўналишлари мос келмайдиган мақолалар Таҳрир ҳайъати томонидан кўриб чиқилмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

7. Мақоладаги маълумот ва далилларнинг аниқлиги, тўғрилиги ва кўчирмакашликка йўл қўйилмаганлигига муаллиф жавобгардир.

8. Расмийлаштириш бўйича ахборот хати якунида **НАМУНА** берилган. Ушбу намунадан фойдаланиш тавсия этилади.

ЭСЛАТМА: Мақолаларни **ўзбек, рус** ва **инглиз** тилларидан бирида **ҳар ойнинг 25 санаси соат 18:00га** қадар электрон шаклда:

1. <https://t.me/imfaktor> телеграмм (+998944101155)
2. <https://imfaktor.uz/submit/>
3. submit@tahririyat.uz орқали юборилиши **ЛОЗИМ.**

Мазкур журналда мақоласи чоп этилган ҳар бир муаллифга бу тўғрисида махсус Сертификат берилади.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти
Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани,
“Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.
Телефон номер: +99894-410 11 55
E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

Намуна

Нишонбоева Қундуз Вахобовна

*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти доценти
тарих фанлари номзоди
nishonboyeva@gmail.com
+998975487595*

ЗАМОНАВИЙ ТРАНСФОРМАЦИОН ЖАРАЁНЛАР ВА ЎЗБЕКИСТОНДА МАДАНИЯТЛАРАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистон маданиятининг модернизациялашувида маданиятлараро ҳамкорликнинг ўрни, Ўзбекистон маданий мероси ва унинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни ҳамда Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси асосида миллий маданиятни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор берилганлиги қайд этилган.

Калит сўзлар: Модернизациялашув, маданиятлараро коммуникация, маданиятлараро ҳамкорлик, маданий мерос, жаҳон ҳамжамияти, концепция, миллий маданият.

Нишонбоева Қундуз Вахобовна

*доцент Государственного института искусств и культуры Узбекистана,
кандидат исторических наук*

СОВРЕМЕННЫЕ ТРАНСФОРМАЦИОННЫЕ ПРОЦЕССЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ МЕЖКУЛЬТУРНОГО СОТРУДНИЧЕСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация: В этой статье подчеркивается важность межкультурного сотрудничества в модернизации культуры Узбекистана, роли культурного наследия Узбекистана и его значении в мировой цивилизации и дальнейшего развития национальной культуры на основе Концепции дальнейшего развития национальной культуры на основе концепции в Республике Узбекистан.

Ключевые слова: Модернизация, межкультурная коммуникация, межкультурное сотрудничество, культурное наследие, мировое сообщество, концепция, национальная культура.

Nishonboeva Qunduz Vakhobovna

*Assistant professor of Uzbekistan State Institute of arts and culture,
candidate of history science*

MODERN TRANSFORMATION PROCESSES AND PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF INTER-CULTURAL COOPERATION IN UZBEKISTAN

Annotation: It stresses the importance of intercultural cooperation in modernizing the culture of Uzbekistan, the role of the cultural heritage of Uzbekistan and its role in world civilization and the further development of national culture based on the Concept for the Further Development of National Culture in the Republic of Uzbekistan.

Key words: Modernization, intercultural communication, intercultural cooperation, cultural heritage, world community.

Бугунги тезкор жараёнда ҳеч бир мамлакат жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликларсиз, ундан узилган ҳолда ўз ривожланиш йўлини белгилай олмайди. Илм-фан тараққиёти ҳам дунё олимлари ўртасида ўзаро ҳамкорликларни кучайтиришни талаб этмоқда. Шу ўринда улуғ испан адиби Сервантеснинг “... тарих фаолиятимиз хазинаси, ўтмиш гувоҳи, бугунги кун учун ибрат ва ўғит, келажак учун оғохлантиришдир” [6, Б.74] деган сўзларида катта фалсафий маъно бордир. Чунки, тарихни билмаган киши ҳар қадамда хатога йўл қўяди, ўз тарихи билан фахрланмайдиган халқ эса ўз келажagini тасаввур қилолмайди.

Бу хусусда Абу Райҳон Берунийнинг “Хоразмнинг машҳур кишилари” китобида бир воқеа келтирилади: “Хоразмшоҳ май ичиш учун саройдан чиқди. Менинг уйимга яқинлашиб, келганини билдиришни буюрди. Унинг ҳузурига чиқишга бироз кечикдим. У хужрам олдида тўхтаб, отдан ерга тушмоқчи бўлиб турган эди. Мен ер ўтиниб, унга отдан тушманг дея ёлвордим. У менга қараб: “Билим барча мулкларнинг энг аълосидур, барча унга интилуру, унинг ўзи келмайдур. Агар бу эски дунёда шундай қонунлар бўлмаганида эди, мен ҳузурингга келмасдим, мен келдим, яъинки мен эмас, сендаги билим юқори туради”, – деб таъкидлайди [2, Б.10].

Иқтибослар/Сноски/References

Internet-manzillar (URL-lar) taqdim etish zarur!!!

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020 // URL: <https://president.uz/uz/lists/view/3324>.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни. 402-І-сон 24.04.1997 // URL: <https://lex.uz/docs/9540>
3. Майборода Т. Ю. К вопросу об определении оценочных понятий в гражданском праве / Т. Ю. Майборода. – Текст: непосредственный // Молодой ученый. – 2019. – № 39 (277). – С. 120-122. – URL: <https://moluch.ru/archive/277/62570/>
4. Иванов В. Д. Общественный порядок и общественная безопасность при проведении спортивных мероприятий: правовое – обеспечение // Физическая культура. Спорт. Туризм. Двигательная рекреация. 2016. №4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/obschestvennyy-poryadok-i-obschestvennaya-bezopasnost-pri-provedenii-sportivnyh-meropriyatiy-pravovoe-obespechenie> (дата обращения: 05.10.2020).
5. W.Thronsdén, M.Rygghaug, T.Skjølsvold, C.Haunstrup, (2017) From consumer to prosumer. Enrolling users into a Norwegian PV pilot. ResearchGate, URL: <https://www.researchgate.net/publication/318014188>.
6. Маврулов А.А., Бозаров П.Д. ва бошқалар. Шарқ ренессанси даври алломалари ва мутафаккирларининг илмий-фалсафий мероси. Монография. – Т.: “Сано стандарт”, 2017. – 176 б.